**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УРАЛЬСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ УрГЭУ-СИНХ

# ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ

**халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами**

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,**
**2020 йил 20 май**

*УЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)*

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

*Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.*

**ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.**

**Таҳрир ҳайъати:** и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.

***© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 136. | Карлибаева Р.Х.<br>Машарипова Ш.А. | Фонд бозорида активларни баҳолаш амалиёти | 440 |
| 137. | Мирзарайимов Д.У. | Инвестицион фаолиятни ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти | 445 |
| 138. | Нурмаматов Н.Р. | Мамлакат инвестицион иқлимини баҳолашни такомиллаштириш йўллари | 447 |
| 139. | Юсупов М.<br>Ражабов О. | Экспортни ривожлантиришда тармоқлар салоҳияти ва диверсификациялашдан самарали фойдаланиш | 449 |
| 140. | Рихсиев Д.Х. | Интеграция мирового опыта эффективной оценки деятельности наблюдательных советов в акционерные общества Узбекистана | 452 |
| 141. | Котов В.А.<br>Сайыпов Б.К. | Проблемы и пути совершенствования механизма привлечения инвестиций в экономику Каракалпакстана | 455 |
| 142. | Сафаров С.С. | Инвестициянинг иқтисодий ўсишдаги ўрни | 458 |
| 143. | Темиров А.А.<br>Шахобиддинов Н.З. | Молиявий ресурслар ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти | 460 |
| 144. | Темиров А.А. | Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида корпоратив бошқаришни такомиллаштириш масалалари | 463 |
| 145. | Тоймухамедов И.Р.<br>Турғунбоев С.Т. | Ўзбекистонда тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш | 465 |
| 146. | Тоймухамедов И.Р.<br>Мадумаров Ж.К. | Ўзбекистонда электрон пуллардан фойдаланиш истиқболлари | 468 |
| 147. | Умарходжаев А.М. | Инвестиционные риски и пути их снижения | 471 |
| 148. | Уринов Б.Н.<br>Шермухамедов А.К. | Улучшение институтциональных аспектов корпоративного управления в акционерных обществах | 474 |
| 149. | Хўжамуродов А.Ж.<br>Файзуллаев Б.Р. | Повышение инвестиционной привлекательности акционерных предприятий железнодорожного транспорта Республики Узбекистан | 476 |
| 150. | Файзуллаев С.С. | Роль независимых директоров в корпоративном управление | 479 |
| 151. | Файзуллаев Х.Ф. | Тижорат банклари активларини самарали бошқаришнинг илмий-назарий асослари | 482 |
| 152. | Халекеева З.П. | Инвестицияларни жалб этишнинг асосий шакллари ва механизми | 485 |
| 153. | Хамзаев А.Н. | Банкларнинг фонд бозорлардаги инвестицион фаолиятини ўрни | 487 |
| 154. | Ҳайдаров Ў.А. | Акциядорлик жамиятларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишда корпоратив | 489 |

таъминлашга қўшимча имкониятлари очилади. Шунингдек, бу мамлакатнинг барқарор ўсиши ва аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишга ҳизмат қилади. Ўз навбатида, мазкур ижобий ҳолатлар мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичларни оширади ҳамда мамлакат иқтисодиёти рейтингини яхшилашга ҳизмат қилади.

Иқтисодиётда давлат ресурслари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларининг юқори суръатларда ошиши ҳам иқтисодиётда истеъмол ва инвестицион талаблар ошишига олиб келди.

*Ў.А. Ҳайдаров,*
*мустақил тадқиқотчи,ТДИУ*

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагиларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ:

халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш [2].

Иқтисодиётда инвестиция фаолиятининг ривожланиши, ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишнинг кўлами, йўналишлари ва самарадорлиги бевосита инвестиция муҳитига боғлиқ.

“Инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” синоним тушунчалар сифатида ишлатилади. Бу хусусда иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: “Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради.

Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади” [2].

Қулай инвестиция муҳитини яратишнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳуқуқий-меъёрий база бўлиб, у ҳар бир салоҳиятли инвесторнинг мулкий манфаатларини ҳимоялаши, кафолатлаши ва шунингдек, мамлакатдаги мавжуд инвестиция механизмининг тушунарли ва аниқ бўлишини таъминлаши лозим.

Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз.

Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади.

Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало, кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим:

– очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

– иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

– иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

– “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;

– валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

– иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш [3].

Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши лозим.

Бунда банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб борамиз. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари

фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-кувватлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Давлат улушига эга банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади. Банк соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат.

Соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Банк-молия академияси хорижий мутахассислар билан биргаликда тўлиқ қайта ташкил этилади. Шунингдек, давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш бошланди ва бу жараён изчил давом этади.

Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим. Шу йил 1 июлга қадар “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур.

Аҳолида банк тизимига нисбатан ишончни шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралашишга чек қўйиш керак.

Асосий вазифалар – макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва «яширин иқтисодиёт»га барҳам бериш. Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назорат янада кучайтирилади. Чет элдан олинган қарзларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади. Бунинг учун «Давлат молиявий назорати тўғрисида» ва «Давлат қарзи тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқилади [4].

Банк соҳасидаги ислоҳотлар. Барча банклар бўйича капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда трансформация дастури амалга оширилади. Банк секторидаги давлат активлари стратегик инвесторларга реализация қилинади. Маҳаллий банклар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши ва ташқи бозорларда фаол бўлиши лозим. Замонавий банк амалиёти, менежменти ва янги хизматларни жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига малакали мутахассисларни тайинлаш муҳим ҳисобланади. Бунда дастурий таъминотни тубдан янгилаш, янги ахборот

тизимини («кредит тарихи») тўлиқ ишга тушириш зарур. Банклар фаолиятига четдан аралашишга чек қўйилади.

Ташқи савдо соҳасида назорат тизимининг норматив базаси 2020 йилда 3 мингга яқин стандартлар билан тўлдириш, шунингдек, харидоргир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан шуғулланадиган хусусий трейдинг компаниялари фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари тўплами ишлаб чиқиш лозим.

***А.К. Шермухамедов, ассистент,***
***ТГЭУ***

## ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ЭКСПОРТНОЙ ПОЛИТИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Активное вовлечение Узбекистана в мировую экономическую систему, установление экономических связей с зарубежными странами и международными организациями потребовало коренного пересмотра системы управления внешнеэкономической деятельностью. Эта потребность была связана со следующими двумя важными обстоятельствами, которые возникли.

Во-первых, когда Узбекистан стал независимым государством, потребовалось создать специальные организации, отвечающие за разработку и реализацию независимой политики в области внешнеэкономических связей.

Во-вторых, в связи с началом процесса радикального переустройства народного хозяйства в республике увеличилось количество людей, занимающихся внешнеэкономической деятельностью, им были даны более широкие права на заключение внешнеэкономических соглашений. Контракты и соглашения в этой области будут заключаться не только государственными органами, но и различными ассоциациями, организациями, предприятиями, основанными на других формах собственности.

В настоящее время основными задачами системы управления внешнеэкономической деятельностью в стране с учетом вышесказанного являются:

1. Разработка и реализация внешнеэкономической политики, отвечающей национальным интересам республики и обеспечивающей ее место в мировом сообществе.

2. Обучение правовым основам организации экспортной деятельности.

3. Обеспечить максимальную эффективность для всех участников внешнеэкономической деятельности, независимо от их различных форм собственности, и защитить их деятельность и интересы.

4. Полное использование внешнеэкономических факторов для успешного реформирования народного хозяйства.

На сегодняшний день управление внешнеэкономической деятельностью осуществляется:

- Президент, Олий Мажлис и Кабинет Министров определяют стратегию развития внешнеэкономической деятельности Узбекистана, разрабатывают ее